

Qishloq hayoti

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

2023-yil 23-noyabr, payshanba

№ 47 (9263)-son

e-mail: infoqishloqhayoti@yandex.ru

@Qishloqhayoti_gazetasi

СУРХОНДАРЁДА РАҚОБАТБАРДОШ ТАЙЁР МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ

Ангор туманидаги
Баҳор маҳалласида тери
хомашёсидан тайёр
маҳсулот ишлаб чиқариш
лойиҳасининг дастлабки
босқичи иш бошлади.



Лойиҳа икки босқичда амалга оширилаёттир. Биринчи босқичда йилига 120 миллион кв.м терини чуқур қайта ишлаш ва тайёр чарм маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бунинг учун корхона Италия ва Туркия давлатларининг қиймати 13,2 миллион долларлик замонавий асбоб-ускунаси билан жиҳозланиб, 450 та иш ўрни яратилди. Корхонани қуриб, тўлиқ ишга тушириш учун тadbirkor ўз маблағи ва тижорат банкининг кредитидан фойдаланмоқда.

Жанубдаги вилоятда чорвачилик яхши ривожланган. Маълумотларга қўра, айни пайтда вилоятда бир миллиондан ортиқ йирик шохли ва 2,5 миллиондан зиёд майда шохли чорва моллари парваришланмоқда.

Ангор туманидаги "Top Quality Brand" масъулияти чекланган жамиятига қарашли корхона вилоятда тери хомашёсини сифатли қайта ишлаб, рақобатбардош тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Вилоятда бундан беш-олти йил муқаддам тadbirkorларда терини қайта ишлашга қизиқиш йўқлиги учун катта миқдордаги хомашё исроф бўлаётган эди. Кейинги йилларда сармоядорлар учун қулай ишбилармонлик муҳити яратилгани терини қайта ишлаш саноатини янги босқичда ривожлантираёттир.

Жумладан, 2017 йил вилоятда атиги 100 миллион сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилган бўлса, бу йил тери хомашёсидан 210 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланиши кутилмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)



ЕР РЕСУРСЛАРИДАН

САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 21 ноябрь куни ер ресурсларидан оқилонга фойдаланиш, ер ҳисобини юритиш ҳамда кадастр хизматларининг сифатини яхшилаш масалалари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Худудлардаги иқтисодий ўсиш, озиқ-овқат хавфсизлиги, иш ўринлари ва инвестиция оқими, аввало, ерга боғлиқ. Охириги уч йилда рақамлаштириш ҳисобига 40 миллион гектар ёки жами ерларнинг 90 фоизи кадастрда давлат рўйхатидан ўтказилган.

Шу билан бирга, 44 миллион 800 минг гектар ер майдони, 8 миллион 300 мингта бино ва иншоотнинг мулк сифатидаги бозор баҳоси ҳисобланмаган. Ҳозирда мавжуд бино ва иншоотларнинг шартли кадастр

қиймати 70 миллиард долларни ташкил қилади. Аслида, уларнинг ҳақиқий бозор баҳоси бундан камида 4-5 баробар кўп. Бунга ернинг бозор қиймати ҳам қўшилса, катта "иқтисодий актив" бўлади.

Соҳада замонавий аэрофотокамера ва дронлар қўлланаётгани натижасида кўп захиралар аниқланмоқда. Масалан, Қарши туманида экин ерлари 45 минг гектар деб кўрсатиб келинаётган бўлса-да, ҳисоботда яйлов бўлиб турган 5 минг 100 гектар

майдон ҳам аслида суғориладиган ер эканлиги аниқланди. Бу бюджетга қанча тушум, қанча иш ўрни ва даромад йўқотилаётти, дегани.

Умуман олганда, қишлоқ хўжалигида 286 минг гектар ернинг ҳуқуқ белгилловчи ҳужжатлари тўлиқ эмас. Доимий фойдаланиш учун ажратилган 460 минг гектар ернинг ҳуқуқий мақоми аниқ эмас. 159 минг гектар ернинг ҳужжатдаги ва амалдаги майдони бир-биридан фарқ қилади.

(Давоми 2-саҳифада)

ОРОЛБЎЙИ ҲУДУДИ ЯШИЛ МАКОНГА АЙЛАНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 октябрдаги "Ўзбекистон Республикасида ўрмон хўжалиги тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори асосида ўрмон фонди ресурсларидан оқилонга фойдаланиш, чўлланишга қарши курашиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, ўрмон фонди ерлари майдонини, шундан ўрмон билан қопланган ерларни ошириш, уруғ тайёрлаш, асалари оилалари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, доривор ўсимликлар етиштириш ҳажмини кўпайтириш, ўрмон хўжаликларида экотуризмни жадал ривожлантириш каби долзарб вазифалар белгилаб берилди.

(Давоми 3-саҳифада)



ТЎҚСОНБОСТИ ЭКИНЛАР – МЎЛ ҲОСИЛ МАНБАИ

Сирдарё туманининг Тараққиёт маҳалласи ҳудудида жойлашган "Машъал" насос станцияси ишчи-хизматчилари насос станцияси атрофидаги бўш ер майдонидан унумли фойдаланмоқда.

Эрта баҳор экилган резавор экин турлари кузга қадар ҳосил берган бўлса, бундан, нафақат насос станцияси ишчи-хизматчилари, улар хонадони аъзолари ҳам баҳраманд бўлишди.

Энди эса, улар ўша ер майдонларига тўқсонбости экин турларидан саримсоқпиёз, исмалоқ, 0,5 гектар ерга эса, иқлим шароити, ернинг мелiorатив ҳолатига мос келган бугдой уруғини қадашди.

— Муҳими, эрта баҳор, танга қувват бахш этувчи, витаминга бой қўқатлар ва саримсоқпиёзни

бозордан харид қилмаймиз, — дейди "Машъал" насос станцияси муҳандиси Тиллабек Ҳасанов. — Чунки ушбу маҳсулотлар нархи, эрта баҳор анча баланд бўлади. Тўқсонбости экинларимиз дармондорилиги билан танга куч-қувват бағишласа, чўнтагимизга оз бўлса-да, созгина фойда келтиради.

Асосийси, насос станция ишчи-хизматчилари бу юмуш билан банд бўлиб қолмай, сув коллекторлари бўйидаги бўш ер майдонларига "Яшил макон" умуммиллий ҳаракати доираси-

да манзарали ва мевали кўчат қадади.

Ўтган йили эккан кўчатлар саратондан ўтиб, чор атрофга гўзаллик бахш этган бўлса, умуммиллий ҳаракат доирасида яқинда экилган мингдан ортиқ, ўрик, олма, олча, тут ва тераклар эрта баҳор бўй кўрсатишади.

Хуллас, "Машъал" чилар насос станцияси атрофни боғ-роққа айлантириш борасидаги эзгу ва хайрли юмушларни изчиллик билан давом эттиряпти.

**Қўйи Сирдарё ИТХБ
матбуот хизмати**

New Holland Combi DSC 8670 kombayni – "AGRITECHNICA-2023" g'olibi

Germaniyaning Gannover shahrida bo'lib o'tgan "AGRITECHNICA-2023" xalqaro qishloq xo'jaligi ko'rgazmasida qabul qilingan 218 ta arizadan yetakchi xalqaro qishloq xo'jaligi muhandisligi va innovatsiyalari uchun mo'ljallangan mukofotlar paneli doirasida bitta oltin va 17 ta kumush medallar g'oliblari e'lon qilindi.

O'zida innovatsiyalarni mujassamlashtirgan, zamonaviy talablarga to'liq javob beruvchi New Holland Combi DSC 8670 g'alla o'rish kombayni ko'rgazmaning oltin medaliga sazovor bo'ldi.

Taqdirlash marosimida ushbu kombayning texnik xususiyatlari hamda qishloq xo'jaligiga qanday innovatsion yechimlar taklif etganligiga ham to'xtalib o'tildi. Xususan, mazkur kombayni New Holland konsernining brendi bo'lib, ikkita CR ekstenel rotori yangi kombaynning umumiy konsepsiyasidir. Kombaynlarning texnik jihatdan mumkin bo'lgan xirmon sig'imini yanada oshirish ularning hajmi, og'irligi va geometriyasi bilan tobora cheklanib bormoqda.

(Davomi 2-sahifada)



СОЛИҚ ТЎЛОВИДАН БЎЙИН ТОВЛАШ МУМКИН ЭМАС

Шоҳруҳ Шамсидинов ва Бобир Мамасолиевлар гарчан Жиззахнинг икки жойида, бири Зомин, иккинчиси Ховос туманида туғилган бўлишса-да, аммо фаолият уларни ҳамфирк қилган.

Балки дўст ҳам бўлишгандир. Тўғрида, бир муассасада ишлаб, бир-бирини яхши англаб ўзаро яқин дўстлар бўлиб қолаётганлар камми? Хўш, буни нимага алоҳида эътироф этаямиз? Афсуски, бу "ҳамфирклик" ва "дўстлик"нинг оқибати яхши эмас бўлиб чиқди.

(Давоми 2-саҳифада)

"O'zagrosug'urta":

BAJARILGAN ISHLAR, KELGUSIDAGI REJALAR VA SOHA YANGILIKLARI YUZASIDAN MA'LUMOT BERILDI

Yaqinda Milliy matbuot markazida "O'zagrosug'urta" AJ tomonidan joriy yilning o'tgan davri mobaynida amalga oshirilgan ishlar, kelgusidagi rejalar va sohadagi yangiliklar yuzasidan matbuot anjumani bo'lib o'tdi.



Bugungi kunda turli sohalarida amalga oshirilayotgan keng ko'lamli islohotlar natijasida yurtimiz hayotida qator o'zgarishlar ro'y bermoqda. Bu o'z navbatida sug'urta xizmatlariga bo'lgan ehtiyoj oshishini ta'minlab, sug'urta bozorida sog'lom raqobat muhitini yuzaga keltirmoqda.

Ta'kidlanganidek, 2023-yil "Insonga e'tibor va sifatlil ta'lim yili"da o'z oldiga belgilab olgan vazifalar bo'yicha "O'zagrosug'urta" AJ aholi o'rtasida sug'urta xizmatlarining sifati va ko'laminii oshirish, ularning yangi turlarini joriy qilishga alohida e'tibor qaratib kelmoqda. Belgilangan vazifalarning ijrosi Jamiyatning 2023-yil o'tgan davridagi faoliyatida yaqqol namoyon bo'ldi.

(Davomi 2-sahifada)

“O‘zagrosug‘urta” AJ mijozlar uchun “Onlayn polis” axborot tizimi orqali 18 turdagi onlayn sug‘urta xizmatlarini taqdim etdi

ЕР РЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

(Боши 1-саҳифада)
Оқибатда, жами 900 минг гектардан зиёд қишлоқ ҳўжали- ги ерлари кадастр рўйхатидан ўтмасдан турибди. Кадастри йўқлиги сабабли уларни та- қрорий экинлар учун расман иккиламчи ижарага бериш им- кони бўлмапти. Булар туфай- ли камида 300 минг иш ўрни, тақрорий экиндан олинаётган маҳсулот ҳамда норасмий ижа- ранинг ҳисоби юртилимапти.

Шу боис бундай ерлар сама- радорлигини ўрганиш вазифаси қўйилди. Агар деҳқон ва фер- мерлар ердан унумли фойда- ланаётган бўлса, улар билан ижара шартномаси тузилади ва кадастр рўйхатига олинади. Аксинча, оқилона ишлатилма- ётган ерлар ҳокимлик захира- сига қайтарилади.

Мутасадди вазирликларга ушбу тизимни амалиётга жорий қилиш, келгуси йил аэросуратга олиш ва қишлоқ ҳўжалиги ерла- ри кадастрини тўлиқ яқунлаш бўйича топшириқлар берилди.

Давлатимиз раҳбари ўтган ҳафтада Сурхондарёга ташри- фи чоғида экспортбон сабза- вотлар экиш имкониятларини айтган эди. Худудларда буни истовчи қуртдошларимиз кўп.

Шу боис ҳар бир туман- да экспортбон сабзавот экса- бўладиган камида 100 гектар- дан бўш ерлар ажратилиши белгиланди. Бу бўйича тақди- мотлар ўтказилади, маҳсулот етиштирувчилар “фермерлар мактаби”да ўқитилади. Ҳосил- дор уруғлар қафоллати етказиб берилади. Экин ери “ишинг қўзини биладиган”, экспорт кўннималарига эга инсонларга аукцион орқали ижара ҳуқуқи билан сотилади.

Йиғилишда ер ҳисобини тўғри юрийтиш масаласига эъ- тибор қаратилди.

Бугунги кунда 817 минг гек- тар ер аҳоли яшаш жойи ва са- ноат ҳудудига айланиб кетган, аммо ҳисоботларда қишлоқ ҳўжалиги ерлари тоифасида турибди. Кадастр агентлиги ва ҳокимликларга бу ноаниқлик- ларни ҳал қилиш, амалдаги “ер баланси”ни ҳисоботда тўғри акс эттириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Сув ҳўжалигида ҳам ҳўжа- ти йўқ кўп ерлар бор. Улардан қўшимча иқтисодий самара олишининг йўли – тўлиқ кадастр- дан ўтказиш. Бир сўз билан айт- ганда, бу – иш ўрни учун ҳам, озиқ-овқат учун ҳам қўшимча захира.

Шу боис канал ва коллек- торлар, табиий кўл ва дарёлар олдидаги ерларни ҳўжжат- лаштириб, аҳолига экспортбон экинлар учун бериш вазифаси қўйилди.

Йўл ҳўжалигида муайян ички йўллар ва унга туташ ер-

ларда ҳўжжат йўқ. Масалан, Қорақалпоғистон ва Хоразмда ички йўллар чегарасини белги- лаш вақтида аукционга чиқарса бўладиган 2 минг 700 дан зиёд бўш ер участкаси аниқланган. Шу боис келгуси йил “Ташаббус- ли бюджет” ва “Менинг йўлим” лойиҳалари доирасида ички йўлларнинг кадастр ҳўжжати- ни тайёрлаш ҳам назарда ту- тилади.

Йиғилишда ерлардан сама- рали фойдаланиш масаласи атрофлича таҳлил қилинди. Қанчалик қийин бўлмасин, охириги беш йилда қишлоқ ҳў- жалигидан 42,5 минг гектарни қисқартириб, аҳоли пунктлари ва саноат ерлари тоифаси- га ўтказилди. Лекин вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари улардан самарали фойдала- на олмапти. Хусусан, 100 та туманда тоифаси ўзгарган 17,5 минг гектар ер на тадбиркорга берилган, на аукционга чиқа- рилган. Саноат зоналарида ҳам бўш ерлар бор. Оқибатда мил- лиардлаб сўм бюджет тушуми йўқотилган.

Ҳокимларга бу борада- ги ишларни жадаллаштириш бўйича қатъий кўрсатмалар берилди.

Кадастр соҳаси учун мад- лар тайёрлаш, уларнинг ма- лакасини ошириш ҳам муҳим вазифалардан. Бугунги кунда бу борадаги ўқитиш сифати та- лаб даражасида эмас. Айрим факультет ва кафедралар но- миға очилган, ўқув дастурлари замондан орқада қолган.

Шу боис уларда замона- вий лабораториялар ташкил қилиш, янги ўқув адабиётлари ва хориждан малакали мутахас- сислар олиб келиш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилиш якунида вазирлик, ҳокимлик ва идоралардаги ижро интизоми ҳолатига тўх- талиб ўтилди. – Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида жуда катта ис- лохотларни амалга ошираёми- миз. Ҳеч бир соҳа эътибордан четда қолаётгани йўқ. Лекин, ислохотлар “қоғозда” қолиб кетмаслиги керак. Вазирлик ва тармоқ раҳбарлари, ҳокимлар ҳўжизда уларнинг ижросини сўзсиз таъминлаши шарт, – деди Президент.

Айрим раҳбарлар рақам ортидан қувиб, сифат, самара- дорлик ва талабчанликни су- сайтиргани кўрсатиб ўтилди. Ижро интизомини таъминлаш, барча дастур, “йўл харитаси” ва лойиҳаларни ўз муддатида бажариш лозимлиги қатъий таъкидланди.

Йиғилишда муҳокама қи- линган масалалар юзасидан мутасаддиларнинг ахбороти тингланди.

ЎЗА

(Бoshi 1-sahifada)
Barchamizga ma'lumki, milliy sug'urta bozorining jadal rivojlanishini ta'minlash, iste'molchilarning sug'urta bozoriga bo'lgan ishonchini oshirish maqsadida Preziden- timizning 2021-yil 23-oktabrdagi "Sug'urta bozorini raqamlashtirish va hayot sug'urtasi sohasini rivojlantirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi Qarori tasdiqlan- gan bo'lib, mazkur hujjatga ko'ra, 2023-yil 1-yanvardan boshlab majburiy sug'urtaning barcha turlari bo'yicha sug'urta polislarini qog'oz blankalarda rasmiylashtirish amaliyoti bekor qilinishi belgilandi. Qarordagi mazkur topshiriq asosida joriy yil boshidan Kompani- ya rasmiy sayti orqali majburiy sug'urta turlari- ni onlayn rasmiylashtirish tizimi yo'lga qo'yildi. "O'zagrosug'urta" AJ tomonidan zamonaviy to'lov tizimlaridan foydalangan holda masofadan turib ya'ni, onlayn tarzda sug'urta polislarini xarid qilish imkoniyatlari kengaytirib borilmoqda. Joriy yil boshida "O'zagrosug'urta" AJ mijozlar uchun "On- layn polis" axborot tizimi orqali 18 turdagi onlayn sug'urta xizmatlarini taqdim etgan bo'lsa, hozirgi kunga kelib, 26 turdagi po- lislarni elektron shaklda (e-polis) sotib olish imkoniyati yaratildi. Kelgusida jismoniy va yuridik shaxslarga ko'rsatiladigan barcha ommaviy sug'urta xizmatlarini elektron shak- lga o'tkazish maqsad qilingan.

Shu o'rinda mijozlarning kompaniya xizmatlaridan foydalanishga bo'lgan qiziqish- larini oshirish, Jamiyatning sug'urta bozoridagi ijobiy imidjini mustahkamlash, yangi mijozlarni jalb qilish, onlayn sug'urta xizmatlarini ko'pay- tirib borish, mavjud sug'urta turlari haqida- gi ma'lumotlarni keng tarqatish maqsadida ommaviy marketing tadbirlarini tashkil etib kelmokda.

Xususan, 2023-yilning 1-oktabridan 2024-yil 1-fevralga qadar "Omadi sug'urta" nomli aksiyasini o'tkazmoqda. Kompaniyan- ing agros.uz rasmiy veb-sayti orqali onlayn yoki joylardagi markazlardan oflayn shaklda tegishli ixtiyoriy sug'urta polislaridan birini xarid qilgan fuqarolar ushbu aksiyada qat- nashib, qimmatbaho sovg'alariizdan birini yutib olishlari mumkin bo'ladi.

Mijozlarga polislarini nafaqat elektron sotish tizimida, balki kompaniya faoliyatini to'liq raqamlashtirish borasida ham izchil ishlar olib borilmoqda. Xususan, "O'zagro- sug'urta" aksiyadorlik jamiyati faoliyatini raqamlashtirishga mo'ljallangan "Uzagros Online" yagona elektron axborot tizimi to'liq modernizatsiya qilindi. Endilikda bu tizim orqali an'anaviy qog'ozbozlikdan mutloqo

voz kechiladi. Kompaniya va uning tizimidagi barcha turdagi hujjatlar aylanmasi aynan shu platformada aks etadi. Hozirda ushbu platfor- ma imkoniyatlari, unda ish yuritish bo'yicha respublika bo'yicha kompaniya xodimlari uchun o'quv-seminarlar tashkil etilmoqda. Jamiyatning bugungi kunda respublika- niz bo'ylab 14 ta filiali hamda jami 187 ta sug'urta markazlari shahar va tumanlarda aholiga 150 dan ortiq sug'urta xizmatlari tak- lif etilmoqda. Sug'urta faoliyatining amalga oshirilishi natijasida joriy yilning o'tgan 10 oyi mobaynida ta'minlangan sug'urta mukofotlari

“O‘zagrosug‘urta”:

BAJARILGAN ISHLAR, KELGUSIDAGI REJALAR VA SOHA YANGILIKLARI YUZASIDAN MA'LUMOT BERILDI



305,5 milliard so'm bo'lib, majburiy sug'urta bo'yicha 60,2 mlrd. so'm, ixtiyoriy sug'urta turlari bo'yicha 245,3 mlrd. so'mni tashkil qilmoqda. Bu o'tgan yilning mos davriga nisbatan o'sish 27,8 foiz yoki 66,5 mlrd so'm ko'p sug'urta mukofotlari ta'minlandi.

Rasmiylashtirilgan sug'urta shartnom- alari bo'yicha olingan majburiyat hajmi 159,9 trillion so'mni tashkil qildi, bu esa o'z navbatida o'tgan yilga nisbatan 193,5 foizga ko'p demakdir. Shu davr mobaynida Jamiyat mijozlari bilan jami 642 204 dona sug'urta shartnomalari tuzilgan bo'lib, shart- nomalarning qariyb 91,4 foizi yoki 586 891 donasi mamlakatimiz aholisining sog'lig'i va mol-mulki uchun ko'rsatilgan sug'urta xizmat-



riyaning "Swiss Re" va "Europa Re" kabi qayta sug'urta kompaniyalari, shuningdek, Buyuk Britaniya, Koreya, Turkiya, Latviya, Chexiya, Gruziya, Qozog'iston va Hindiston singari davlatlarning "Sonsilium Re", "New Poin Insurance Brokers", "TOO Marsh", "Turker Sigorta ve Reasürans Brokerligi", "AON", "ENG Plus" kabi qayta sug'urta bro- kerlari bilan hamkorlik qilinmoqda.

Bundan tashqari, "United Registrar of Systems" xalqaro sertifikatlashtirish uyush- masi tomonidan "O'zagrosug'urta" aksi- yadorlik jamiyatiga sifat menejmenti tizimi sertifikatini topshirildi. Bu bilan Jamiyat faoliyati ISO 9001:2015 xalqaro standarti talablariga muvofiqligi tasdiqlandi. Ushbu hujjat xalqaro maydonda Jamiyat hamda uning filiali tomonidan yuridik va jismoniy shaxslarga yuqori sifatli sug'urta xizmatlarini ko'rsatilib kelinayotgani tan olinganligini belgilaydi.

InsuResilience Solutions Fund (ISF) xalqaro jamg'armasi O'zbekistonda bog'dorchilik va sabzavotchilik mahsulotlarini yetishtirishda iqlim bilan bog'liq xavf-xatar- lardan himoya qilish bo'yicha sug'urta mahsulotlarini yaratish va joriy etishni moli- yalashtiradi. Bog'larni iqlim o'zgarishi bilan bog'liq xavf-xatar va tabiiy ofat oqibatlaridan himoya qilish maqsadida Sug'urtani rivojlantir- ish forumining (IDF) ikki a'zosi hisoblangan dunyodagi yetakchi Europa Re va Swiss Re qayta sug'urta kompaniyalari hamda ikkita mahalliy sug'urta kompaniyalaridan biri bo'lmish "O'zagrosug'urta" AJ bilan fermer xo'jaliklari uchun qishloq xo'jaligi sug'urtasi mahsulotini ishlab chiqish ustida ishlamoqda. Ushbu loyihaning dastlabki bosqichda Farg'ona vodiysi hamda Samarqand viloyati hududlarida tatbiq etilishi rejalashtirilmoqda.

Matbuot anjumani yakunida ommaviy axborot vositalari vakillarini qiziqtirgan savol- larga javob berildi.

O'zagrosug'urta" AJ axborot xizmati

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

СОЛИҚ ТЎЛОВИДАН БЎЙИН ТОВЛАШ МУМКИН ЭМАС

(Боши 1-саҳифада)

Шохруҳ Шамсиддинов “Сирдарё йўллардан мунта- зам фойдаланиш” УК дирек- тори, Бобир Мамасолиев эса шу корхонанинг бош ҳисоб- чиси бўлиб ишлаб келган. Ш. Шамсиддинов ҳам, Б. Мамасолиев ҳам ҳали ёш кадрлардан. Ёшлари 30 нинг нари-бериси. Ҳар иккиси олий маълумотли. Аммо ёш бўли- шига қарамадан ҳар иккиси ҳам суд курсисига ўтиришди. 2020 йил сентябрь ойида Сирдарё тумани судининг ҳукми билан ҳар иккисига Ўзбекистон Республикаси Жи- ноят Кодексининг 167-модда- си (Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-тарож қи- лиш) 2-қисми “в”, “г” бандла- ри билан ЖКнинг 45-моддаси қўлланиб 1 йўл 6 ой муддатга мансабдорлик ва моддий жа- вобгарлик ишларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 1 йўл 6 ой муддатга ахлоқ туза- тиш ишлари жазоси тайин- ланган. Жиноят ишлари бўйи- ча Гулистон шаҳар судининг 2023 йил 27 июндаги ажримига кўра, Ш. Шамсиддинов ўталмай қолган 10 ой 25 кун ахлоқ туза- тиш ишлари жазосини ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган. Шу шаҳар судининг 2023 йил 15 августдаги ажри- миға кўра, ўталмай қолган 9 ой мансабдорлик ва моддий жа- вобгарлик ишларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жа- зосидан ЖКнинг 73-моддаси- га асосан муддатидан илгари шартли озод қилинган. Б. Ма- масолиев эса жиноят ишлари бўйича Ховос тумани судининг 2023 йил 15 июнь ва шу йилнинг 25 июлидаги ажримлари билан бундай имкониятга эга бўлган.

Аммо минг афсуски, бу икки мансабдорларнинг тил бириктириб қилган жиноий ишлари бу билан тўғаман экан. Сирдарё вилояти давлат солиқ бошқармаси

мутахассислари томонидан Ўзбекистон республикаси Транспорт прокуратураси Хо- вос тумани транспорт прокура- турасининг жиноят иши бўйича “Банк сирини ташкил этувчи маълумот ва ҳўжжатларни олиб қўйиш ҳамда қўшимча ҳўжжатли-тафтиш тайинлаш ҳақида”ги қарорига асосан ўт- казилган текшириш давомида аниқландики, Шохруҳ Шамсид- динов “Сирдарё йўллардан мунтазам фойдаланиш” УК раҳбари, Бобир Мамасолиев шу корхона бош ҳисобчиси мансабларидан фойдаланиб солиқларни тўлашдан қасд- тортиш йўллари билан ўзлари- га касб қилиб олишган экан. Улар шундай мақсадда яъни бир гу- руҳ бўлиб, ўзаро тил бирикти- риб, ЖКнинг 184-моддасига тегишли айбовларга сабаб бўладиган ишларга қўл уриш- ган. Бу мансабдорлар 2020 ва 2021 йиллар учун тақдим этилган солиқ ҳисоботларида жами 372.217.100 сумлик со- лиқларни ҳисоботларда кўр- сатмасдан яшириб, давлат бюджетига тўланиши лозим бўлган жуда катта миқдордаги солиқларни тўлашдан қасддан бўйин товлаб келганлар. Бу қў- шимча қиймат, ер, сув, фойда солиқлари сўммасидир.

Бу маблағлар ўз қонуний ўрнига қўшимча жаримаси би- лан қайтарилди. Шу билан бир- га суд томонидан Ш. Шамсид- динов ва Б. Мамасолиевларга тегишли жазо қўлланилди. Солиқлар давлат бюджетини шакллантиради, у юртимиз, халқимиз манфаати учун сарф- ланади. Шу боисдан бу маблағ- ни ўзлаштириш, уни тўлашдан бош товлаш асло мумкин эмас. Ва бундай ҳолатга қўл урганлар шак-шубҳасиз тегишли жазога тортिलाди. Бу юқоридagi воқе- ликдан аён.

Ойбек ХОЛТООЕВ,
Ховос транспорт прокурори,
Адлия кичик маслаҳатчиси.

СУРХОНДАРЁДА РАҚОБАТБАРДОШ ТАЙЁР МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ

(Боши 1-саҳифада)
Ёки 2017 йил 35 минг долларлик маҳсу- лот экспорт қилинган бўлса, жорий йилда 20 миллион долларлик чарм-атторлик маҳсулоти хорижа жўнатилади. Хорижнинг энг сўнгги русумдаги уску- налари билан жиҳозланган замонавий корхона тўлиқ ишга тушгач, йилига 450 минг жуфт ҳар хил турдаги эркеклар, бо- лалар ва спорт пойабзаллари, 250 минг дона чарм-атторлик маҳсулотлари, 5 минг тонна желатин ва коллаген ишлаб чиқа- риш йўлга қўйилади, 860 та қўшимча иш ўрни барпо этилади. Озарбайжон, Туркия, Россия, Италия, Ҳиндистон, Германия, Португалия каби давлатларга 45 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинади. Бу ерда “ДЭУ”, “Мерседес-Бенс”, “Ауди” ва “Тойота” автомобиллари ўриндиқлари учун тайёр чарм етказиб бериш ҳам режа- лаштирилган.

Қосимов бир гуруҳ нуронийлар ва фаол- лар билан янги корхонада бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнларини кузатди. Ишчилар учун яратилган шароитлар ва 20 ўринли дуал таълим ўқув маркази билан таниш- ди. Дуал таълим марказида Италия ва тур- киялик тажрибали технолог, маркетинг ҳамда дизайнерлар корхонада таълим ва амалиёт жараёнларини уйғунлаштирган ҳолда амалга оширади. Корхона “LWG” – “Чарм ишчи гуруҳи”- нинг (атроф-муҳит ва инсониятга зарарсиз ишлаб чиқариш) “Голд” халқаро серти- фикатига эга. Бу корхонага ўз маҳсулот- ларини Европа бозорига тўғридан-тўғри экспорт қилиш ва хорижий бренд занжир- ларига қўшилиш имкониятини беради. Корхонанинг иккинчи босқичи келгуси йил фойдаланишга бошланилади.

Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ,
ЎЗА мухбири.



Ўрмон хўжалиги ниҳолхонасида жами 25 турдаги манзарали ва мевали дарахт ҳамда доривор ўсимликлар кўчатлари етиштирилмоқда



ОРОЛБЎЙИ ХУДУДИ ЯШИЛ МАКОНГА АЙЛАНАДИ

(Боши 1-саҳифада)

Ушбу қарор билан ўрмон хўжалиги тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси, уни босқичма-босқич амалга ошириш учун “Йўл хариталари” тасдиқланди. Қарор асосида ўрмон хўжалигида илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, илмий-тадқиқот ишларини рағбатлантириш ҳамда халқаро стандартлар даражасига мос илғор хорижий тажрибага эга бўлган кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси ўрмон хўжалиги қўмитаси ҳамда туманлардаги давлат ўрмон хўжаликлари томонидан бугунги кунда асосий эътибор давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан амалга оширилаётган Орол денгизининг суви қуриган тубида “яшил қопламалар” – ҳимоя ўрмонзорлари барпо этиш, шу орқали ҳудудда мавжуд экологик вазиятни соғломлаштириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли ҳаётига салбий таъсирини янада юмшатиш ишларига қаратилмоқда.

Хўжайли давлат ўрмон хўжалиги ўрмон фонди умумий майдони 153 минг 846,1 гектар бўлиб, шундан ўрмон билан қопланган майдон 1 минг 310 гектарни, суғориладиган ерлар 52,7 гектарни, кўчатхона ва ниҳолхоналар 32,7 гектарни ташкил этади.

Ўтган йиллар мобайнида Орол денгизининг қуриган туби ва Оролбўйи ҳудудларида кум қўчиши ҳамда атмосфера ҳавосига туз-чанг кўтарилишини бартараф этиш мақсадида Мўйноқ туманида саксовул ва бошқа чўл ўсимликларидан “яшил қоплама”лар барпо этилиши таъминланди. Маҳаллий аҳоли вакиллари билан биргаликда чўл ҳудудларида “яшил

қоплама”лар барпо қилиш тадбирлари учун саксовул, қандим, қорабуроқ, черкез каби дарахт ва буталар уруғлари тайёрланиб, ниҳолхоналар ташкил этилди. Орол денгизининг қуриган тубига саксовул кўчатидан 500 гектарда ҳамда уруғидан 2 минг 363 гектар майдонда ўрмон барпо қилиш ишлари олиб борилди.

Ўрмон хўжалиги ниҳолхонасида жами 25 турдаги манзарали ва мевали дарахт ҳамда доривор ўсимликлар кўчатлари етиштирилмоқда. Жорий йилда 1 миллион 80 минг дона кўчат етиштириш бўйича режа белгиланган бўлса, амалда 2 миллион 153 минг дона турли дарахт, бута ва гул кўчатлари етиштирилиб, режа ортиғи билан бажарилди.

– Тажриба хўжалигимиз умумий ер майдони 28 гектар бўлиб, бу ерда турли дарахт, бута ва гул кўчатлар ҳамда уруғлар етиштирилади,– дейди ўрмон хўжалиги раҳбари Қуёнишбай Камалов. – Бугунги кунда мамлакатимиз бўйлаб давом этаётган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида кузги ниҳол экиш мавсумига Хўжайли ва Тахياتош туманларидаги 40 та корхона, ташкилот ва муассаса билан шартнома имзоланиб, жами 66 минг дона кўчат етказиб берилди. Сўнгги йилларда барча ҳудудларда доривор ўсимликлар хомашёсини етиштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган йилдан бошлаб тажриба участкамизда годжи, лаванда каби доривор ўсимликлар кўчатларини етиштириш йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 майдаги “Суғориладиган ерларни шомол эрозиясига ҳамда сув хўжалиги объектларини кум босишига қарши ихота дарахтзорлари барпо этиш ва реконструкция қилиш



чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра, мелиорация объектлари атрофида кум босишига қарши ҳамда қишлоқ хўжалиги ерларида ҳосилдорликни кўпайтиришга йўналтирилган ихота да-



рахтзорлари барпо этилмоқда. Суғориладиган қишлоқ хўжалиги экинлари дала четларида шомол эрозиясидан ҳимоялаш мақсадида ўрмон хўжалиги 19 гектар майдонида 38 минг дона турли дарахт кўчатидан ихота дарахтзорлари барпо этиш ишлари амалга оширилмоқда.

Ўрмон хўжалиги томонидан хусусий секторлар билан биргаликда чорвачиликни ривожлантириш бўйича ҳам ишлар олиб борилмоқда. Бугунги кунда хўжалик ҳисобида 52 бош, хусусий секторлар билан биргаликда 233 бош чорва моллари боқилиб, уларнинг бош сони 285 тага етказилди.

Бундан ташқари, хусусий секторлар билан биргаликда жами 7 минг 440 бош парранда, ўрмон фонди ерларида асаларичиликни ривожлантириш бўйича 1000 та асалари оиласи парвариш қилинмоқда. Шунингдек, 61 гектар майдонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилиб, ишчи-ҳодимларга ҳамда аҳолига етказиб берилди. Шуларнинг ҳисобидан давлат ўрмон хўжалиги жорий йилда 702 миллион сўм қўшимча даромад олишга эришди.

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида кузги кўчат экиш мавсумида ўрмон хўжалиги томонидан 66 минг туп турли манзарали ва мевали дарахт кўчатлари етказиб бериш ишлари амалга оширилди. Шундан Хўжайли туманидаги маҳаллаларга 5 минг 800 туп, мактабгача таълим ташкилотларига 3 минг 720 туп, Тахياتош тумани маҳаллаларига 2 минг 800 туп, мактабгача таълим ташкилотларига 2 минг 790 туп манзарали кўчатлар бегараз ёрдам тариқасида бепул етказиб берилди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар ҳудудда экологик ҳолатни яхшилаш, Орол денгизининг суви қуриган туби ва Оролбўйи минтақасидан кўтарилаётган кум ва чанг зарраларининг салбий таъсирини камайтириш ишларини изчиллик билан давом эттириш ҳамда глобал иқлим ўзгаришларининг салбий таъсирини янада юмшатиш аҳоли фаровонлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Довуд АБИУЛЛАЕВ,
Мақсад ҲАБИУЛЛАЕВ (сурат),
ЎЗА мухбирлари.

ҲАР БИР МУРОЖААТ ЭЪТИБОРДА

Мажбурий ижро бюронинг Жиззах вилояти бошқармаси ва унинг туман-шаҳар бўлимларига жорий йилда 6 минг 344 та мурожаат келиб тушган бўлиб, қарийиб 6 мингтаси ҳал этилди.



Яъни, 3 минг 276 таси қаноатлантирилди, 2 минг 573 таси юзасидан мурожаат муаллифларига ҳуқуқий тушунтиришлар берилди, 2 минг 903 нафар фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари тикланишига эришилди. Шунингдек, 9 231 нафар жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилинган бўлиб, шундан 2 504 нафари ёки 27 фоизи шахсан бошқарма ва туман-шаҳар бўлимлари бошлиқлари томонидан қабул қилиниб, мурожаатлари кўриб чиқилди.

Бошқарма раҳбарияти томонидан фуқароларни “Сайёр қабул” орқали қабул қилиш йўлга қўйилиб, ўтган даврда 395 та мурожаат кўриб чиқилди ва 357 таси ижобий ҳал қилинди. Бундан ташқари, ҳафтанинг ҳар шанба куни МИБ раҳбарияти томонидан жисмоний ва юридик шахслар вакиллари онлайн видео конференция тартибиде қабул қилинмоқда. Мисолларга тўхталадиган бўлсак, алимент тўлашдан қасдан бўйин товланган 82 нафар ота жинойи жавобгарликка тортилди. Бюронинг Жиззах вилояти бошқармаси томонидан алимент ундируви билан боғлиқ ижро ҳужжатлари доимий назоратга олинган бўлиб, жорий йилнинг тўққиз ойи даврида ижро ҳужжатлари бўйича 10 минг 234 нафар қарздорнинг республика ҳудудидан чиқиш

ҳуқуқлари чекланган. Ўз фарзандининг моддий таъминоти учун алимент тўлашдан қасдан бўйин товлаб келган 552 нафар қарздорга нисбатан маъмурий, 82 нафар қарздорга нисбатан жиноят ишлари кўзғатилди. Бюронинг қидирув шўбаси томонидан жами 462 нафар, шундан алимент қарздорлигини тўлашдан бўйин товлаб, қочиб юрган 460 нафар қарздорга нисбатан қидирув эълон қилинган бўлиб, олиб борилган тезкор-қидирув тадбирлари жараёнида 287 нафари, шундан алимент қарздорлиги бўйича қидирувдаги 280 нафари топилиб, тегишли жавобгарлик масаласи ҳал этилди. “Алимент тўловлари” давлат мақсадли жамғармаси ҳисобидан бугунги кунга қадар 58 та алимент ундируви билан боғлиқ ижро ҳужжатлари бўйича ундирувчиларга жамғарма маблағлари ҳисобидан 1,2 млрд. сўм алимент пуллари тўлаб берилди. “Телеграм-бот” орқали 370 та алимент бўйича мурожаатлар тезкорлик билан 3 иш куниде ҳал қилинди. Шу билан бирга профилактик тадбирларнинг таъсирчанлигини ошириш мақсадида алимент ундириш билан боғлиқ 282 та тарғибот тадбирлари ўтказилиб, ОАВ орқали чиқишлар қилинди.

Ғайрат МАМАТҚУЛОВ,
МИБнинг Жиззах вилояти
бошқармаси
катта инспектори.

➤ **Эълон**

SAMARQAND DAVLAT VETERINARIYA MEDITSINASI, CHORVACHILIK VA BIOTEXNOLOGIYALAR UNIVERSITETINING TOSHKENT FILIALI PEDAGOGIK FAOLIYAT BILAN SHUG'ULLANMOQCHI BO'LGAN YOSH KADRLARNI HAMDA ILMIY DARAJA VA UNVONGA EGA BO'LGAN YETAKCHI MUTAKASSISLARNI TANLOV ASOSIDA ISHGA QABUL QILADI

Tanlov kafedra mudiri, professor, dotsent, katta o'qituvchi, assistent va stajyor-tadqiqotchi lavozimlariga e'lon qilinadi.

Veterinariya, chorvachilik, agrotekhnologiyalar bo'yicha yoki ularga turdosh mutaxassisliklar bo'yicha magistr darajasiga ega bo'lgan, chet tillari, jumladan rus tilidan tashqari ingliz (nemis, fransuz yoki boshqa) tilini IELTS 6 (SEFR B2) darajasida bilgan 28 yoshgacha bo'lgan talabgorlarlarga katta ustuvorlik beriladi. Shuningdek, soha bo'yicha chuqur kasbiy bilim va ilmiy salohiyatga, yuksak intellektual qobiliyatga ega bo'lgan, oliy ta'lim muassasalari pedagog kadrlari uchun qo'yilgan malaka talablariga (oxirgi 3 yilda pedagogik malaka oshirish va qayta tayyorlashdan o'tgan) hamda ilmiy daraja va unvonga ega (shu jumladan, xorijiy mamlakatlarning falsafa doktori (PhD) darajasiga yoki unga tenglashtirilgan boshqa ilmiy darajalariga ega) pedagog kadrlarni yuqoridagi lavozimlarga tanlov asosida ishga taklif qilamiz. Tanlov O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2006-yil 10-fevraldagi 20-sonli qaroriga muvofiq, “Oliy ta'lim muassasalariga pedagog xodimlarni tanlov asosida ishga qabul qilish tartibi to'g'risida”gi Nizom talablari asosida o'tkaziladi.

Tanlovda qatnashish uchun quyidagi hujjatlar taqdim etilishi lozim:

- rektor nomiga ariza;
- kadrlarni hisobga olish bo'yicha shaxsiy varaqa (ma'lumotnoma yoki CV);

- oliy ma'lumoti, ilmiy darajasi va ilmiy unvoni to'g'risidagi diplom va attestatlar (nusxalari bilan);
- pasport (nusxasi bilan);
- ilmiy ishlar ro'yxati (muassasaning tegishli organi tomonidan tasdiqlangan);
- malaka oshirish to'g'risidagi guvohnomalar (nusxalari bilan) – agar mavjud bo'lsa;
- mehnat daftarchasi (nusxasi bilan) – agar mavjud bo'lsa.

Samarqand davlat veterinariya meditsinasi, chorvachilik va biotekhnologiyalar universitetining Toshkent filiali kafedralarning vakant (bo'sh) lavozimlari:

KAFEDRA MUDIRI LAVOZIMIGA

1. Hayvonlar yuqumli va parazitlar kasalliklar kafedras.
2. Hayvonlar morfofiziologiyasi va yuqumsiz kasalliklar kafedras.
3. Veterinariya ishini tashkil etish va veterinariya sanitariya ekspertizasi kafedras.
4. Biotekhnologiya, ekologiya va o'rmonchilik kafedras.
5. Agrobiologiya va dorivor o'simliklar yetishtirish kafedras.
6. Zootekhnologiya va ipakchilik kafedras.
7. Iqtisodiyot, buxgalteriya hisobi va audit kafedras.
8. O'zbek va xorijiy tillar kafedras.
9. Tabiiy, ilmiy va gumanitar fanlar va jismoniy madaniyat kafedras.

KAFEDRA PROFESSORI LAVOZIMIGA

1. Hayvonlar yuqumli va parazitlar kasalliklar kafedras.

KAFEDRA DOTSENTI LAVOZIMIGA

1. Veterinariya ishini tashkil etish va veterinariya sanitariya ekspertizasi kafedras.
2. Biotekhnologiya, ekologiya va o'rmonchilik kafedras.
3. Agrobiologiya va dorivor o'simliklar yetishtirish kafedras.
4. Zootekhnologiya va ipakchilik kafedras.
5. Iqtisodiyot, buxgalteriya hisobi va audit kafedras.
6. Tabiiy, ilmiy va gumanitar fanlar va jismoniy madaniyat kafedras.

KAFEDRA KATTA O'QITUVCHISI LAVOZIMIGA

1. Hayvonlar morfofiziologiyasi va yuqumsiz kasalliklar kafedras.
2. Veterinariya ishini tashkil etish va veterinariya sanitariya ekspertizasi kafedras.
3. Biotekhnologiya, ekologiya va o'rmonchilik kafedras.
4. Zootekhnologiya va ipakchilik kafedras.
5. Iqtisodiyot, buxgalteriya hisobi va audit kafedras.
6. Tabiiy, ilmiy va gumanitar fanlar va jismoniy madaniyat kafedras.

KAFEDRA ASSISTENTI LAVOZIMIGA

1. Hayvonlar yuqumli va parazitlar kasalliklar kafedras.
2. Hayvonlar morfofiziologiyasi va yuqumsiz kasalliklar kafedras.
3. Veterinariya ishini tashkil etish va veterinariya sanitariya ekspertizasi kafedras.
4. Biotekhnologiya, ekologiya va o'rmonchilik kafedras.
5. Agrobiologiya va dorivor o'simliklar yetishtirish kafedras.
6. Zootekhnologiya va ipakchilik kafedras.
7. Iqtisodiyot, buxgalteriya hisobi va audit kafedras.
8. O'zbek va xorijiy tillar kafedras.
9. Tabiiy, ilmiy va gumanitar fanlar va jismoniy madaniyat kafedras.

Hujjatlar har kuni (shanba va yakshanbadan tashqari) soat 9:00 dan 17:00 gacha ushbu e'lon chop etilgan kundan boshlab **bir oy muddat ichida Samarqand davlat veterinariya meditsinasi, chorvachilik va biotekhnologiyalar universitetining Toshkent filiali (Toshkent shahar, Chilonzor tumani 20-mavze, 35A-uy)**ning 3/305 xonasida hamda (97) 701-88-21 (@SamDVMCHBUTF_korr) telegram raqami yoki sdvu.tf@mail.ru, orifeshdavlatov01@gmail.com elektron manzili orqali qabul qilinadi.

Murojaat uchun telefonlar: (+998) 97.701-88-21, (+998) 55. 503-07-79.

